



ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА МОЛ-МУЛКНИ ХАТЛАШ МОҲИЯТИ: ТЕРГОВ ҲАРАКАТИ ЁКИ МАЖБУРЛОВ ЧОРАСИ

Назарова Лайло Гелдимуродовна

Жамоат хавфсизлиги университети

мустақил изланувчиси

<https://www.doi.org/10.37547/ejar-v03-i02-p4-151>

ARTICLE INFO

Received: 15th February 2023

Accepted: 26th February 2023

Online: 27th February 2023

KEY WORDS

Хатлаш, терговчи,
суриштирувчи, айбланувчи,
зарар, мол-мулк, баённома,
далиллар, миқдор

ABSTRACT

Мақолада мулкни хатлаш соҳасидаги ҳуқуқий муносабатларнинг субъект таркиби тўғрисидаги масала кўриб чиқилган ва гумонланувчи, айбланувчи ёки уларнинг ҳаракатлари учун қонуний жавобгар шахсларнинг, шунингдек гумонланувчи, айбланувчи ёки уларнинг ҳаракатлари учун қонуний жавобгар бўлмаган бошқа шахсларнинг мол-мулкни хатлаш бўйича процессуал фаолиятни амалга ошириш жараёнида юзага келадиган ҳуқуқий муносабатлар юзасидан муаллиф фикрлари баён этилган. Шунингдек, жиноят-процессуал қонунчиликдаги мавжуд бўшлиқларни тўлдириш бўйича таклиф ва тавсиялар берилган.

Мол-мулкни хатлаш фуқаровий даъвои таъминлашнинг муҳим воситаларидан бир ҳисобланади. Унинг амалга оширилиши мулкдорнинг ўз мулкига эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ҳамда тасарруф этиш имкониятларини йўққа чиқаради. Шунинг учун ҳам мазкур процессуал ҳаракат устидан судгача бўлган даврда прокурор назорати ўрнатилган бўлиб, суриштирувчи, терговчилар мустақил тарзда уни амалга ошириш ваколатига эга эмас.

Мол-мулкни хатлашнинг ҳуқуқий табиати, унинг мажбурлов чоралари ёки тергов ҳаракатлари тоифасига киритиш масаласи процессуалист олимлар ўртасида доимо тортишувларга сабаб бўлиб келган. Жумладан, Ю.С.Пулатов, Р.Т.Хакбердиевалар мазкур процессуал ҳаракатни тергов ҳаракати сифатида ўрганишган [1]. Улар қуйидаги бир қанча асосларга таяниб шундай хулосага келишган: амалдаги Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси мол-мулкни хатлашни тергов ҳаракати сифатида қарайди. Жумладан, ЖПКнинг 290-моддаси 5-қисмида худди шу мазмундаги нормани кўриш мумкин. Бундан ташқари, ушбу кодекснинг 291-моддасига кўра, мол-мулкни хатлаш баённомаси суриштирувчи, терговчи томонидан камида икки нафар холис иштирокида ҳамда кодекснинг 90-92 моддаларига риоя қилинган ҳолда тузилади. Мазкур моддалар далиллар, уларни баённомада қайд этиш тўғрисида бўлиб, маълумотлар баённомада қайд этилганидан кейин улардан далил сифатида



фойдаланиш мумкинлиги кўрсатилган. Бундан келиб чиқадики, мол-мулкни хатлаш тергов ҳаракатларига қўйилган талаблар асосида расмийлаштирилади.

Бошқа бир ўзбек процессуалист олими Қ.Самандаровнинг илмий тадқиқот натижаларидан ҳам худди шундай мазмундаги хулосани кузатишимиз мумкин [2]. Эътиборли жиҳати шундаки, хатлаш тартиби аксарият тергов ҳаракатларини ўтказиш тартиби билан бир хил. Айрим хорижий давлатларда, хусусан Мўғилистон Республикаси [3] ёки Озарбайжон [4] жиноят-процессуал қонунчилигида мол-мулкни хатлаш тергов ҳаракати сифатида назарда тутилган. Бироқ, мол-мулкни хатлаш баённомаси ЖПКнинг 81-моддасида далил манбаси сифатида эътироф этилмаган. Шу билан бирга, хатлаш орқали далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолаш амалга оширилмайди.

Мол-мулкни хатлашни тергов ҳаракати сифатида ўрганиш ёки ўрганмаслик юзасидан фикрлар турли хил. Жумладан, ЖПКнинг 87-моддаси ҳам хатлашни далилларни тўплаш усули сифатида кўрсатмаган ва тергов ҳаракатлари қаторида кўрсатмаган. Буни техник хатолик эмас, мол-мулкни хатлашдан мақсад далил тўплашга қаратилмаганлиги билан изоҳлаш мумкин. А.Ф.Павленко кўра, мол-мулкни хатлаш бевосита далилларни тўплаш жараёни билан боғлиқ эмас ва у бир қанча тергов ҳаракатларини амалга ошириш натижалари бўйича ўтказилади ёки муайян тергов ҳаракатларини (масалан, кўздан кечириш, олиб қўйиш, тинтув, суд-экспертизани) амалга ошириш учун шароит яратиш мақсадида ўтказилади [5]. В.М.Искандировга кўра [6] мол-мулкни хатлаш икки томонлама характерга эга, яъни унда ҳам тергов ҳаракати, ҳам мажбурлов чораларининг белгилари учрайди. Уни ўтказиш орқали жиноят ишига доир маълумотлар қўлга киритилиши, далиллар тўпланиши ва ўрганилиши мумкин ҳамда улар исботлаш жараёнида аҳамиятга эга бўлади, шу билан бирга унда мажбурлов хусусияти бор.

Хатланган мол-мулк жинойий йўл билан топилган даромад эвазига қўлга киритилган бўлиши мумкин. Бундан ҳолларда хатлаш тўғридан тўғри исботлаш жараёнига тегишли процессуал ҳаракатга айланади. Масалан, тергов ҳаракатларини амалга ошириш давомида мол-мулкнинг жинойий йўл билан топилганлиги аниқланди, шундан сўнг ушбу мол-мулк қонунда ўрнатилган тартибда хатланади. Бироқ, мол-мулкни хатлашни баъзи ҳолатларда тергов ҳаракати, бошқа ҳолатларда эса уни тергов ҳаракати деб ҳисобламаслик тўғрисидаги фикрларга қўшилиб бўлмайди: бу мантиқсизлик.

Бизнингча, мол-мулкни хатлашни тергов ҳаракати сифатида баҳолаб бўлмайди. Чунки хатлаш жиноят натижасида етказилган зарарни қолашга ва ҳукмнинг мулкий ундиришларга оид қисмининг ижросини таъминлашга қаратилган бўлиб, суриштирувчи ёки терговчининг далилларни тўплаш билан боғлиқ фаолиятига алоқадор эмас. Бошқача айтадиган бўлсак, жиноят ишлари юритувида мол-мулкни хатлаш моҳиятан исботловчи эмас, мулк йўқ бўлиб кетишининг олдини олишга қаратилган ташкилий хусусиятга эга. Тергов ҳаракати далилларни тўплаш ва текширишга, мол-мулкни хатлаш жиноят иши бўйича фуқаровий даъвони қаноатлантиришга қаратилган. Уларни амалга ошириш мақсади, қўллаш асослари ва амалга ошириш тартиби бир-биридан жиддий фарқ қилади. Бир қатор тергов



ҳаракатлари мажбурлов хусусиятига эга бўлиши мумкин (масалан, олиб қўйиш, тинтув), лекин уларга мажбурлов чораси сифатида қараш мутлақо нотўғри. Мол-мулкнинг ўзига хос жиҳати шундаки, у тергов ҳаракати ва процессуал мажбурлов чораларининг чегарасида жойлашган процессуал ҳаракат ҳисобланади. Чунки, хатланган мол-мулк баъзи ҳолларда шахснинг жиноий фаолияти билан умуман боғлиқ бўлмаслиги ҳам мумкин, баъзан эса мазкур мулк ашёвий далил бўлади.

Шу билан бирга, мол-мулкни хатлашга ашёвий далилларни тўплаш учун хизмат қилувчи фаолият сифатида қараш билан ҳам келишиб бўлмайди. Амалдаги жиноят-процессуал қонунчилигимизга кўра, бирор жой ёки шахсда иш учун аҳамиятли бўлган нарса ёки ҳужжатлар бор деб ўйлаш учун етарли маълумотлар бўлган тақдирда тинтув ўтказилади. Хатлаш жараёнида ҳам кейинчалик иш бўйича ашёвий далил бўлиши мумкин бўлган нарса-буюмлар аниқланиши мумкин. Масалан, хатлаш давомида гумон қилинувчи, айбланувчи қонунга хилоф фаолиятининг бирор ҳолатлари маълум бўлмаслиги мумкин. Уларнинг ишга алоқадорлиги маълум вақт ўтгандан кейин аниқланиши мумкин.

Мол-мулкни хатлашни юридик табиатига кўра процессуал мажбурлов чораларига тоифасига киритиш масаласи ҳам баҳсли. Қуйидаги асосларга кўра бундай хулосага келиш мумкин:

биринчидан, мол-мулкни хатлаш мулкий ҳуқуқлари чекланаётган шахсларнинг хоҳишига зид равишда амалга ошириладиган давлат-ҳуқуқий мажбурловнинг кўринишларидан бири;

иккинчидан, хатлашдан мақсад ҳукмнинг мулкий ундиришларга оид қисмини таъминлаш саналади;

учинчидан, хатлаш жиноят-процессуал қонунчиликда аниқ ўрнатилган процессуал шаклга риоя қилинган ҳолда амалга оширилади;

тўртинчидан, мазкур фаолият гумон қилинувчи, айбланувчининг жиноий фаолиятини давом эттиришига тўсқинлик қилишга, унинг терговдан бўйин товлашининг олдини олишга хизмат қилмайди.

Бу таҳлил натижалари мол-мулкни хатлашни процессуал мажбурлов чораси сифатида баҳолашни шубҳа остига қўяди. Н.В.Кривошеков ва В.К.Булдакова хатлашни мажбурлов чораси сифатида ўрганган [7]. Уларга кўра, хатлаш орқали мулк эгаси ўз мулкни тасарруф эта олмасликка ва баъзан фойдалана олмасликка мажбурланади. Шунини эътироф этиш керакки, хатлашнинг мажбурлов хусусияти ҳам мавжуд. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг процессуал мажбурлов чораларини қўллаш асослари назарда тутилган 213-моддасида иштирокчиларнинг тергов ёки суд ҳаракатларини амалга оширишга тўсқинлик қилишининг, ўзига юклатилган мажбуриятларни бажартириш, гумон қилинувчи, айбланувчининг яна жиноят содир этишининг олдини олиш, шу билан бирга ҳукмнинг ижросини таъминлаш учун суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд томонидан мажбурлов чоралари қўланиши мумкинлиги назарда тутилган.

Мол-мулкни хатлаш ҳукмнинг мулкий ундиришларга оид қисмининг ижросини таъминлаш учун қўлланилишидан келиб чиқадиган бўлсак, унинг мазмунан процессуал мажбурлов чораларига яқин эканлигини кўрамай. Шунинг учун ЖПК 290-



модданинг 5-қисмида кўрсатилаган “ушбу тергов ҳаракати” ибораси мол-мулкни хатлашнинг моҳиятига мувофиқ эмас.

References:

1. Пулатов Ю.С., Хакбердиева Р.Т. Наложение ареста на имущество: Учебное пособие. – Т.: НУУз им. Мирзо Улугбека, 2013., 42-б.
2. Самандаров К. Б. Жиноят процессида мулкни хатлаш соҳасидаги ҳуқуқий муносабатларнинг субъектив таркиби //Журнал правовых исследований. – 2022. – №. SI-3. 82-б.
3. Жалбуу Ганбатор. Особенности хранения имущества, на которое наложен арест по уголовно-процессуальным кодексам Российской Федерации и Монголии // Сибирское юридическое обозрение. 2016. №2 (31). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/osobennosti-hraneniya-imuschestva-na-kotoroe-nalozhen-arest-po-ugolovno-protseessualnym-kodeksam-rossiyskoy-federatsii-i-mongolii>
4. Ugolovno-protseessualniy kodeks Azerbaydzhanskoj Respubliki // URL: https://online.zakon.kz/Document/?doc_id=30420280#pos=3066;-54
5. Павленко А.Ф. НАЛОЖЕНИЕ АРЕСТА НА ИМУЩЕСТВО: СЛЕДСТВЕННОЕ ДЕЙСТВИЕ ИЛИ МЕРА ПРОЦЕССУАЛЬНОГО ПРИНУЖДЕНИЯ? // Вестник Волгоградской академии МВД России. 2018. №4 (47). URL:<https://cyberleninka.ru/article/n/nalozhenie-aresta-na-imuschestvo-sledstvennoe-deystvie-ili-mera-protseessualnogo-prinuzhdeniya>
6. Искандиров.И.В. Наложение ареста на имущество в уголовном процессе. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук. - Челябинск – 2012. –С.14, https://www.susu.ru/sites/default/files/dissertation/iskandirov_vladislav_bekmuratovich.pdf
7. Кривошеков Н. В., Булдакова В. К. Наложение ареста на имущество как основная мера обеспечения возмещения вреда, причиненного преступлением // Юридическая наука и правоохранительная практика. 2014. №1 (27). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/nalozhenie-aresta-na-imuschestvo-kak-osnovnaya-mera-obespecheniya-vozmeshcheniya-vreda-prichinennogo-prestupleniem>.